

**Мобил алоқа хизматларини қўрсатиш тўғрисида**  
**ШАРТНОМА № 170102915598 – 05.01.2022г.**

2022 йил «06» январ

Тошкент ш.

Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари агентлиги (хукуқий вориси – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги) томонидан берилган 08.09.2014 йилдаги АА 0005149 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005150 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005151 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005152 сонли; 08.10.2019 йилдаги АА 0006976 сонли; 05.12.2019 йилдаги АА 0008015 сонли лицензиялар асосида олиб борувчи ва кейинги ўринларда “Оператор” деб аталувчи “Universal Mobile Systems” масъулияти чекланган жамияти (қискартирилган номи “UMS” МЧЖ), ўз вакили – 2021 йил “06” декабрдаги 0352/21 сонли ишончнома асосида иш олиб борувчи бош мутахассис Сайдалиев Б.Х. орқали бир томондан ва кейинги ўринларда “Абонент” деб аталувчи “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI”, ўз вакили – Низом асосида иш олиб борувчи орқали иккинчи томондан (биргаликда “Тарафлар”, алоҳида “Тараф” деб аталади) Мобил алоқа хизматлари қўрсатиш тўғрисидаги ушбу шартномани қўйидагилар ҳакида туздилар:

**1. Атамалар ва таърифлар. Талқин.**

Ушбу Шартнома бўлимларининг барча сарлавҳалари факат улардан фойдаланиш (уларни ўкиш) қулайлигини мўлжаллаб қўлланилди ва Шартнома шартлари талқининга ҳеч қандай тарзда таъсир қўрсатмайди.

Ушбу Шартнома мақсадлари учун қўйидаги асосий атамалар ва таърифлар қўлланилди:

**Абонент** – Оператор билан ушбу Шартномани имзолаган, товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилари билан бюджет ажратмалари бўйича шартномалари, шунингдек уларга ўзгартиш ва қўшимчалар фазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтганидан кейин кучга кирадиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағларини олувчи.

**Абонент курилмаси** – абонент мулки бўлган ёки унга вақтнча эгалик қилиш ва фойдаланишга берилган, телекоммуникациялар тармоқлари билан алоқа боғлаб, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган ёки қабул килинадиган сигналларни ҳосил қилиш, ўзгартириш, кайта ишлаш учун мўлжалланган техник восита.

**Абонент курилмаси** Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ ушбу турдаги ускуналарга кўйиладиган техник талабларга жавоб бериши, шунингдек ЎзР конунчилигида кўзда тутилган холларда мувофилик сертификати бўлиши керак.

Алоқа хизматларидан фойдаланиш учун Абонентга берилган SIM-карта кўйилган Абонент курилмаси ёрдамида амалга оширилган хатти-ҳаракатлар Абонент номидан амалга оширилган ҳисобланади.

**Абонент раками** – Шартнома амал киладиган давр учун Оператор томонидан Абонентга бериладиган ракам.

**Алоҳида тоифадаги абонент раками** – ракамларнинг муайян изчиллиги (комбинацияси) билан ажralиб турадиган Абонент раками бўлиб, у Оператор томонидан ракамларнинг ҳар бир тоифаси учун белгиланган тариф бўйича қўшимча ҳақ эвазига тақдим этилади.

Абонентга алоҳида тоифадаги абонент ракамини тақдим этиш тартиби Оператор томонидан мустакил рaviшда белгиланади. Алоҳида тоифадаги абонент ракамини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги батафсил ахброт Абонентга Операторнинг ўз оғисларида, шунингдек тегишли маълумотларни Операторнинг Веб-сайтида жойлаштириш, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ўйли билан, шунингдек Оператор маъқул топган бошқа усулларда етказилади.

Ушбу Шартнома матнида “Абонент раками” дейилганда алоҳида тоифадаги абонент ракамлари ҳам тушунилади.

**АҲҚТ** – автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизими (аппарат-дастурий комплекс) бўлиб, у Оператор билан Абонент ўртасидаги ҳисоб-китоблар автоматлаштирилишини таъминлаш, шунингдек кўрсатилган Алоқа хизматлари ҳисобини юритиш ва ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган.

**Абонент тўлови** – Тариф режаларининг ҳамда Алоҳида хизматлар тўпламлари ва бошқа хизматларни қўрсатиш шартларига мувофиқ, Оператор томонидан муайян (ҳисоб-китоб) даври (ой, чорак, йил ва х.к.) учун Абонентдан ундириладиган, микдори қатъий белгиланган тўлов бўлиб, у Абонент алоқа хизматларидан қанча ҳажмда фойдаланганидан қатъи назар, Оператор белгилаган микдорда ва муддатларда Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағидан чиқарib олинади.

**Операторнинг Веб-сайти** – Операторнинг [www.mobi.uz](http://www.mobi.uz) электрон манзилида жойлашган ахборот ресурси.

**Контент** – Абонентнинг сўрови асосида SMS, MMS, GPRS орқали олинган, ахборот, кўнгилочар ёки бошқа тусдаги матни ёхуд мультимедиа маълумотлари.

**Контент-провайдер** – Оператор тармоғи орқали Абонентларга тижорат асосида контент хизматларини кўрсатувчи юридик шахс. Контент-провайдерлар ҳамда улар кўрсатадиган Контент хизматлари рўйхати Операторнинг веб-сайтида, шунингдек Контент-провайдерларнинг веб-сайтларида бор.

**Шахсий (электрон) ҳисобварап** – Операторнинг автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизимидағи тафсилӣ электрон хужжат бўлиб, Абонент фойдаланилаётган хизматлар ҳакини тўлаши учун мўлжалланган. Унда Алоқа хизматларидан фойдаланиш давомида Абонент тўлаган ва сарфлаган пул маблағлари тўғрисидаги ахборот пул эквивалентида сакланади.

Абонент тўлаган пул маблағларини ва улар ечиб олинишини Шахсий (электрон) ҳисобварапда акс эттириш тартиби Оператор томонидан белгиланади.

**Алоҳида хизматлар тўплами** – Тариф режаси таркибига кирмаган муайян ҳажмдаги Алоқа хизматлари.

**Оператор офици** – Оператор Абонентларни қабул киладиган ва уларга хизмат кўрсатадиган, абонентларга оид маълумотлар базаси ҳамда Операторнинг фаолияти билан боғлик барча хужжатлар сакланадиган ва ишлов бериладиган

хона, бино. Операторнинг бош оғиси ва унинг Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги Хизмат кўрсатиш марказлари жойлашган манзил, уларнинг иш вакти тўғрисидаги ахборот Операторнинг Веб-сайтида кўрсатилади ва зарурат бўлишига караб (масалан, жойлашган манзил ўзгарган ва бошқа ҳолларда), белгиланган тартибда янгила борилади.

**Дастлабки бўнак тўлови** – Шартнома бўйича хизматлар умумий қийматининг 15%дан кам бўлмаган микдордаги олдиндан тўлов суммаси.

**Оператор тармоғига кириш имкониятини бериш** – Абонентнинг Шахсий маълумотларига ишлов бериш ва уларни Операторнинг аппарат-дастурий комплексига киритиш борасида Оператор томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар. Абонент Дастлабки бўнак тўловини амалга оширганидан кейин Оператор тармоғига кириш имконига эга бўлади.

**Радиотелефон орқали уланиш давомийлиги** – бу, жавоб сигнали абонентнинг жавобига тенглаштириувчи чақирилаётган абонент ёки ускуна жавобининг биринчи сониясидан бошлаб чақираётган ёки чақирилаётган абонент ёхуд шундай ускуна алокани узган лахзагача ўтган вакт оралиги.

**Роуминг (Roaming)** – Абонент Ўзбекистон Республикасидан ташқарида, бошқа мамлакатда бўлганида Абонент Оператор тармоғида дастлаб рўйхатдан ўтганидаги маълумотлар албатта сакланган ҳолда у бошқа мобил (уяли) алокা операторининг тармоғига киришини таъминловчи алока хизмати. Операторнинг роуминг-ҳамкорлари, роуминг хизматларини кўрсатиш шартлари тўғрисидаги ахборот Оператор оғисларида ва/ёки Оператор веб-сайтида сакланади.

**Радиотелефон орқали уланиш** – иккита абонент курилмаси, фойдаланувчи ўртасида ахборот алмаши имконини таъминловчи радиотелефон алокасини ўрнатиш. Бунда Абонент фойдаланувчиларнинг бири бўлади.

**Оператор тармоғи** – Абонентга Алоқа хизматларини тақдим этишда кўлланиладиган техник воситалар мажмуи (коммутация ва радио ускуналари, абонент курилмалари, уланиш линиялари, иншоотлари ва х.к.).

**Алоқа хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага оид Келишув (кейинги ўринларда – “Келишув”)** – ушбу Шартноманинг ажралмас кисми бўлиб, унда Абонент ҳақидаги, Абонентга берилган абонент раками, Абонент танлаган Алоқа хизматлари, Абонент унга улаб берилган абонент ракамларидан фойдаланиш учун мўлжаллаган абонент курилмаларининг турлари, тўловномани етказиб бериш усули тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Шартноманинг бошқа муҳим шартлари қайд этилади. Келишув Оператор томонидан Абонентга SIM-карта берилганлигини тасдиқловчи хужжат ҳам ҳисобланади. Келишув Абонентга берилган ҳар бир абонент раками ёки тариф режаси бўйича расмийлаштирилади.

**Тариф** – Алоқа хизматининг ўлчов бирлиги учун Оператор томонидан белгиланадиган нарх.

**Тариф режаси** – нархларга оид шартлар мажмуи бўлиб, Оператор улар асосида абонентларга ёхуд абонентларнинг муайян доирасига ёки чекланган худудда бир ёки бир нечта мобил алоқа хизматларидан фойдаланишина тақлиф қиласди.

Оператор Абонентга унинг учун маҳсус ишлаб чиқилган индивидуал тариф тақлифлари асосида алоқа хизматларини тақдим этишга ҳақли.

**Алоқа хизматларини кўрсатишга оид техник имконият** – Операторнинг хизмат кўрсатиш ҳудудида Абонентга Алоқа хизматларини кўрсатиш учун зарур ишлаб турган техник алоқа воситалари ва иншоотлари мавжудлиги.

**Оператор тармоғига кириш учун рухсат бериш борасидаги техник имконият** – Операторнинг ракам сифимида бўш ракамлар ва/ёки алоқа каналлари, шу жумладан, мавжуд радиочастота ресурсини ҳисобга олган ҳолда радиоканаллар мавжудлиги.

**Алоқа хизматлари** – Оператор Тармоғига кириш имкониятини бериш, радиосигналлар ёки маълумотларни қабул килиш, қайта ишлаш ва жўнатиш борасида тасдикланган ва амалда бўлган Тарифларга ва (ёки) Тариф режаларига мувофиқ Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек Оператор ўзининг хизмат кўрсатиш автоматик тизимидан фойдаланган ҳолда Абонентга кўрсатадиган бошқа хизматлар.

Оператор Алоқа хизматлари рўйхатини Оператор Тармоғининг Техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилайди.

**GPRS** (General Packet Radio Service) – маълумотларни радиоканал орқали тўплам тарзида жўнатиш алоқа хизмати.

**SMS** (Short Message Service) – Абонентга киска матнли хабарларни Абонент курилмаси орқали (ундан фойдаланган ҳолда) юбориш ва олиш имконини берувчи Алоқа хизмати.

**SIM-карта** (Subscriber Identity Module) – микросхема ўрнатилган идентификация модули бўлиб, унинг ёрдамида Абонент курилмаси идентификацияланиши, у мобил алоқа тармоғига кириши, шунингдек Абонент ракамидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя таъминланади.

SIM-карта турли Абонент курилмаларига ўрнатилганида Абонентнинг тармоқдаги барча қайдлари ва унга берилган Абонент раками сакланиб колади. SIM-карта/eSIM билан бажарилган барча хатти-ҳаракатлар Абонент номидан амалга оширилган ҳисобланади.

**eSIM** (embedded SIM) – Абонент курилмасини виртуал идентификациялаш модули. Унинг ёрдамида Абонент курилмаси идентификацияланиши, унинг мобил алоқа тармоғидан фойдаланиш имконияти, шунингдек Абонент ракамидан рухсатсиз фойдаланиш истисно этилиши таъминланади. **GSM-шлюз** – кўп ёки битта канални мобил курилма ҳамда дастурий-техник восита. У интернет тармоқка, умумий фойдаланишдаги стационар тармоқка ва/ёки мобил оператор тармоғига уланади ҳамда тармоқ ичида кўнгирок/SMS ёки Ўзбекистон Республикаси ичida бошқа тармоқларга кўнгирок/SMS тарификациясини таъминлаш учун Абонент SIM-картаси ёки ракамидан фойдаланган ҳолда куйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- VoIP каналидан ҳар қандай кирувчи халқаро кўнгирокларни GSM тармоқнинг каналларидан бирига кайта ўйналтириш;

- чақириув/SMSни тармоқ ичида чакириув/SMS сифатида ёки ЎзР ҳудудида бўлган бошқа тармоқларга чакириув/SMS сифатида тарифлаш учун SIM-карта/eSIM ёхуд ракамдан фойдаланган ҳолда кирувчи халқаро/маҳаллий SMS (бир марталик пароль – OTP, верификација SMSлари ва х.к.)ни қабул килиш ва кайта жўнатиш.

## **2. Шартнома предмети**

2.1. Оператор ўз тармоғининг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда Абонентга Алоқа хизматларини кўрсатиш мажбуриятини олади, Абонент эса, Алоқа хизматлари ҳакини ушбу Шартномада белгиланган шартларда ва тартибида тўлаш мажбуриятини олади.

2.2. Алоқа хизматлари кўрсатиш учун Оператор Абонентга Келишувда (Келишувларда) кўрсатилган абонент раками (ракамлари)ни беради.

2.3. Тариф режаларининг шартлари, Алоҳида хизматлар тўпламларини ва бошқа алоқа хизматларини тақдим этиш шартлари ва тартиби, шу жумладан, Алоҳида тоифадаги Абонент ракамини бериш шартлари ва тартиби, конструктор режимидағи маҳсус мослашувчан тарифлар, индивидуал тариф таклифлари Оператор томонидан белгиланади ҳамда Оператор офисларида, Оператор Веб-сайтида ва/ёки оммавий ахборот воситаларида маълум килинади.

Келишув (Келишувлар), Тариф режаларининг шартлари, Алоҳида хизматлар тўпламларини ва бошқа алоқа хизматларини тақдим этиш шартлари ва тартиби, шу жумладан, Алоҳида тоифадаги Абонент ракамини бериш шартлари ва тартиби, конструктор режимидағи маҳсус мослашувчан тарифлар, индивидуал тариф таклифлари ушбу Шартноманинг ажralmas кисми ҳисобланади.

## **3. Алоқа хизматларини кўрсатиш тартиби**

3.1. Ушбу Шартнома имзоланганидан сўнг Алоқа хизматларини кўрсатиш борасидаги Операторнинг мажбурияти Абонент дастлабки бўнак тўловини киритганидан кейин юзага келади.

Кейинчалик, Абонентнинг шахсий ҳисобварағида ижобий баланс мавжуд бўлганда Оператор Абонентга Алоқа хизматларини кўрсатишга мажбур.

Оператор ушбу Шартномага кўшимча келишув асосида Абонентга унинг шахсий (электрон) ҳисобварағида салбий баланс бўлганда ҳам Алоқа хизматларидан фойдаланиш имконини беришга ҳақли. Бунда тўлов муддати, тўловни кечикирилган режимда амалга ошириш имконияти билан Алоқа хизматларидан фойдаланиш мумкин бўлган энг узок муддат ва бошқа шартлар кўрсатилган бўлиши керак.

3.2. Абонент Алоқа хизматларидан фойдаланиши учун унда Абонент курилмаси бўлиши керак. Абонент уланган абонент ракамларидан (SIM-карталардан) фойдаланишда ишлатмокчи бўлган абонент курилмаларининг тури (мобил телефон, USB-модем, электр энергияси/сув/газ ҳисоблагичлари, онлайн тўловлар терминаллари ва бошқалар) ушбу Шартномага кўшимча Келишувларда кўрсатилади. Бунда Оператор Абонентга Абонент курилмасини тақдим этишга, шунингдек унинг Абонент курилмасини, аппарат ва дастурий таъминотини созлаб беришга мажбур эмас.

3.3. Оператор Келишув асосида Шартнома амал қиласиган давр учун Абонентга Оператор тармоғига кириш имкониятини таъминлай оладиган Абонент рақами ёки Алоҳида тоифадаги абонент ракамини ва SIM-картани/eSIM учун QR-код кўринишида идентификация профилини тақдим этади. Бешта ва ундан ортиқ абонент ракамлари Абонент шунча рақамга эҳтиёж борлигини ёзма равишда асослаб берганидан кейингина уланади.

3.4. Алоқа хизматлари Оператор томонидан ҳар куни, кеча-ю кундуз (суткасига 24 соат), танаффусларсиз кўрсатилади, факат зарур профилактика ва таъмирлаш ишлари бажариладиган вақтлар бундан мустасно.

Профилактика ва таъмирлаш ишлари олиб бориладиган, шунингдек йирик авариялар юз берган ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишга сарфланадиган вақт Алоқа хизматларини кўрсатишдаги танаффус ва (ёки) Алоқа хизматлари кўрсатишнинг белгиланган муддатларини бузиш ҳисобланмайди.

Оператор тармоғига йирик авариялар юз бериб, бунинг оқибатида Алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтаб қолган ҳолларда Оператор Абонентга бу ҳақда, шунингдек Алоқа хизматлари қачон яна кўрсатила бошланиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали ёки Операторнинг веб-сайтида тегишли ахборотни жойлаштириш йўли билан хабар берishi шарт.

Абонент курилмасидаги, бошқа операторлар тармоғи ускуналаридаги (шу жумладан шаҳар телефон тармоғидаги) носозликлар Хизматлар кўрсатишдаги танаффуслар ҳисобланмайди.

3.5. Абонентга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган ягона рақамларни териш орқали кеча-кундуз исталган вактда шошилинч тезкор хизматларни бепул чакириш имконияти таъминланади. Бу ракамлар:

- 101 – ўт ўчириш хизмати;
- 102 – ички ишлар органлари (милиция);
- 103 – тез тиббий ёрдам;
- 104 – газ тармоғи авария хизмати;
- 1050 – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қутқарув хизмати;
- 112 – ягона шошилинч хизмат.

3.6. Операторнинг Алоқа хизматлари сифати Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган техник нормаларга мос келади ҳамда Операторга берилган лицензиялар талабларига жавоб беради.

3.7. Абонентга кўрсатиладиган Алока хизматлари, Оператор тармоғининг конструктив хусусиятлари сабабли, Операторнинг ваколатлари доирасидан ташкарида бўлган бошқа уяли алоқа операторлари, маҳаллий симли телефон линиялари операторларининг ускуналари, халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторларининг ускуналари сифатига боғлиқдир.

3.8. Абонент маҳфий сўзни айтиб, Операторнинг Маълумот бўлимидан ахборот олишга ҳақли. Абонент Маҳфий сўзни айтганида Оператор унга хизмат кўрсатиш процедураси тўғрисида тўлиқ маълумот бериш мажбуриятини олади.

3.9. Куйидаги ҳолатлар окибатида алоқа сифати ёмонлашса ёки алоқа узилса, бунинг учун Оператор жавобгар бўлмайди:

а) радиотўлқинлар табиий тарзда таркалиши ва устма-уст келиб қолиши;

б) Абонент электр узатиш линиялари, бинолар якини ёки ичидаги, ер ости йўлларида, ертўлаларда ва бошқа ер ости иншоотларида бўлиши;

в) рельеф ва қурилишларнинг маҳаллий хусусиятлари;

г) маҳаллий симли телефон линиялари операторлари ҳамда халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторларига тегишли ускуналарнинг техник тавсифлари ва ҳолати, метеорологик шарт-шароит таъсирида;

д) Абонент носоз (белгиланган талабларга жавоб бермайдиган) Абонент қурилмасидан ёки ишлаб чиқарувчи ёхуд Оператор билан келишмасдан ўзгартирилган ёки модификацияланган ёхуд созловлари Оператор тавсияларига мос келмайдиган Абонент қурилмасидан фойдаланиши;

е) Оператор билан келишмасдан ўзгартирилган (алмаштирилган, модификацияланган) SIM-картадан фойдаланиши;

ё) eSIM Абонентнинг хатти-ҳаракатлари натижасида ўзгартирилган, алмаштирилган, модификацияланган, шикастланган абонент қурилмасида кўлланилганда;

ж) Оператор таъсир кўрсата олмайдиган ёхуд олдиндан билолмайдиган бошқа сабаблар туфайли, шу жумладан ушбу Шартноманинг 3.7-бандида кўзда тутилган ҳолларда.

3.10. Оператор Абонентнинг сўрови асосида Контент-провайдер томонидан Оператор тармоғи орқали тарқатиладиган Контентнинг сифати (тақдим этилмаслиги, ўз вақтида етиб бормаслиги ва мазмуни) учун жавоб бермайди.

3.11. Оператор учинчи томон етказиб берган ва Оператор тавсия қилмаган амалий дастурий таъминот тўғри ишлашини кафолатламайди ва бунинг учун жавобгар бўлмайди, “Интернет” тармоғида ўрнатилган маълумот серверларининг ишга яроқлилиги ҳамда Абонент қурилмасининг амалий дастурий таъминоти бундай серверларнинг дастурий таъминоти билан мос келиши учун жавоб бермайди.

3.12. Абонент Алока хизматларидан Шахсий мақсадлардагина фойдаланиши шарт. Бунда Абонентга куйидагилар тақиқланади:

а) Абонент ракамидан лотереялар, овоз беришлар, танловлар, викториналар, реклама, сўроклаш тадбирлари, Оператор билан келишилмаган оммавий хабар жўнатишларда, қатъий белгиланган алоқа, Интернет-телефония тармокларига кириш шлюзларини ўрнатишда ҳамда Абонент ускунасининг ва (ёки) алоқа қурилмаларининг иш қобилияти бузилишига олиб келувчи бошқа тадбирларни ўтказишда фойдаланиш;

б) учинчи шахсларга Оператор тармоғига уланган SIM-картадан GSM-шлюзлар орқали ва/ёки унга бир ёхуд бир нечта телефон аппаратини ёки ташки мини-АТС линиясини улаш имконини берувчи бошқа қурилмалар орқали фойдаланиши ҳукукини бериш;

в) ўзининг Абонент қурилмасидан дастурий таъминотни тарқатиш, IP-манзилларни сохталаштириш мақсадида Алока хизматларидан фойдаланиш, Оператор ва (ёки) Оператор билан боғлиқ учинчи шахсларнинг тармоғи нормал ишлашига тўскинилик қилувчи хатти-ҳаракатларни содир этиш, Алока хизматларидан GSM-шлюзларда ва қатъий белгиланган алоқа тармоғига, Интернет-телефонияга кириш шлюзларида фойдаланиш.

3.13. Абонент Шартномани ўзи истаган вақтда бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли. Лекин Абонент бу хакда Операторни камида 10 (үн) иш куни олдиндан хабардор қилиши ҳамда Алока хизматлари учун Оператор олдидағи мавжуд карзини узиши шарт.

3.14. Оператор куйидаги ҳолларда Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли:

а) Абонент Бўнак тўловини Алока хизматларини кўрсатиш тўхтатилган санадан бошлаб сурункасига 90 кун мобайнida амалга оширганда (карзни сўндирирганда);

б) Абонент мобил алоқа хизматларидан фойдаланиш ҳукукини берувчи транзакцияларни сурункасига 90 кун мобайнida амалга оширганда;

в) ижро учун имконият бўлмаганда (Оператор тармоғига кириш имконини беришнинг ёки Абонент сўраган Алока хизматларини кўрсатишнинг Техник имкониятидан маҳрум бўлинганда);

г) Абонент Шартномада белгиланган Алока хизматларидан фойдаланиши қоидаларини бузганда, хусусан бунга GSM-шлюзлардан фойдаланиш сабаб бўлганда, Оператор тармоғида товушли трафикни узатиш тартибини бузганда. Бунда Абонент Операторга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади;

д) давлат органининг ҳужжати қабул килиниб, бунинг окибатида Тарафлар ўз мажбуриятларини бажаришлари имконсиз бўлиб колганда;

е) ушбу Шартномада ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

3.15. Абонент ходимларининг абонент маълумотлари базасига киритилган шахсий маълумотлари, шу жумладан телекоммуникация сири хисобланувчи маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органларининг сўровига кўра тақдим этиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

3.16. Оператор Абонент ходимларининг шахсий маълумотларига ишлов беришни Шартнома имзоланган вактдан бошлаб Оператор Абонент ҳақидаги ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги ахборотни саклаши шарт бўлган муддат тугагунича қилиб белгиланадиган муддат мобайнида амалга оширади.

#### 4. Операторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Оператор қўйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Ушбу Шартномада кўзда тутилган тартибда янги Тариф режаларини (Хизматларни) жорий этиш ва (ёки) Хизматлар кўрсатишнинг (Тарифларнинг) амалдаги шартларига ўзгартишлар киритиши орқали Алоқа хизматларини кўрсатиш шартлари, шу жумладан Тариф режаларининг шартларини белгилаш.

4.1.2. Абонент Шартнома шартларини, жумладан Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш муддатларини бузган ҳолларда, Абонент GSM-шлозлардан фойдаланаётгани белгиларини мустақил равиша ёки бошқа операторларнинг маълумотлари асосида аниклаган тақдирда Алоқа хизматлари кўрсатилишини тўхтатиб кўйиш. Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш муддатлари бузилгани учун Алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтатиб кўйилганда Абонентнинг шахсий хисобварагида салбий баланс юзага келган вактдан бошлаб 90 календарь кун мобайнида карз узилган тақдирда Алоқа хизматлари яна тақдим этила бошланади.

4.1.3. Абонентнинг Шахсий (электрон) хисобварагидаги мавжуд пул маблағларини Абонентнинг бошқа барча Шахсий (электрон) хисобваракларидаги карздорликни сўндириш учун чиқариб олиш.

4.1.4. Радиотелефон орқали уланишнинг максимал давомийлигини белгилаш (чеклаш).

4.1.5. Абонент маҳсус тарифлар (тариф режалари) ёки хизматлар тўпламларидан Оператор белгилаган талабларга хилоф равиша ноўрин фойдалангани аникланган ҳолларда, Абонентни 15 календарь кун олдин огоҳлантириб, уни бошқа тариф режасига ўтказиш.

4.1.6. Абонент товушли трафикни узатиш тартибини бузганлиги аникланган ҳолларда Абонентга хизматлар кўрсатишни тўхтатиш.

4.2. Операторнинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

4.2.1. Ушбу Шартнома амал қиласиган давр учун Абонентга Абонент рақами ёки Алоҳида тоифадаги Абонент рақами ва SIM-карта бериш/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профилини тақдим этиш..

4.2.2. Абонентга сифати ваколатли органлар белгилайдиган параметрларга (уланиш, маълумот жўнатиш, алоқани узиш борасида), шунингдек Оператор тармоғида кўлланиладиган стандарт техник нормаларга мос келувчи Алоқа хизматларини кўрсатиш.

4.2.3. Абонент Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган вактда унга Алоқа хизматларини кўрсатиш.

4.2.4. Абонентга Оператор кўрсатадиган Алоқа хизматлари ҳақида тўғри ахборот бериш.

4.2.5. Алоқа хизматлари кўрсатилиши давомида аникланган камчиликларни бартараф этиш.

4.2.6. Абонентга қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш.

4.2.7. Оператор Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий давлатларнинг бошқа алоқа операторлари билан тегишли Шартномалар тузган бўлса, Абонентга бу тармоклар аборентлари билан радиотелефон орқали уланишни таъминлаш. Ушбу шарт факат Абонент мазкур хизматни мустақил фаоллаштирган тақдирда ёки агар бу хизмат Абонент танлаган Тариф режасига киритилган бўлса, кучга эгадир.

4.2.8. Алоқа хизматлари ҳақи тўланмагани учун Оператор тармоғидан узиб кўйилган Абонентни унинг шахсий хисобварагида салбий баланс юзага келган вактдан бошлаб 90 календарь кун ичida фойдаланилган Алоқа хизматлари ҳақини тўлашга доир карзлар тутатилиб (сўндирилиб), Абонент танлаган Тариф режасига мувофиқ миқдорда бўнак тўлови киритилгач, Оператор тармоғига улаш.

4.2.9. Хизмат кўрсатиш худудида мобил алоқа тармоғи кўлланилаётган стандартнинг техник нормаларига мувофиқ ишланиши ҳамда Абонентга шошилинч тезкор хизматларни кечакундуз бепул чакириш имкониятини таъминлаш

4.2.10. Ушбу Шартномани бажариш давомида Операторга маълум бўлган Абонент Шахсий маълумотларини ҳимоялаш чораларини кўриш.

## 5. Абонентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Абонент қуидаги ҳуқукларга эга:

5.1.1. Мазкур Шартнома шартларига биноан Алока хизматларидан фойдаланиш.

5.1.2. Оператор оғислари, уларнинг иш вакти ва Оператор кўрсатадиган Алока хизматлари тўплами ҳақидаги зарур ва тўғри маълумотлардан фойдаланиш.

5.1.3. Ҳисоб-китоблар тартибини, Тариф режасини, кўрсатилаётган Алока хизматлари тўпламини Операторнинг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, Оператор белгилаган тартибда ўзгартириш.

5.1.4. Оператор тармоғига уланишда, Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларида, ушбу Шартномада белгиланган шартлар ва тартибда, Оператор талабларига мувофиқ тарзда Абонент қурилмасидан фойдаланиш.

5.1.5. Ўзига Алока хизматлари кўрсатишни тўхтатиш тўғрисида Операторни ўз ташабbusи билан хабардор килиш.

5.2. Абонентнинг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

5.2.1. Алока хизматларидан фойдалана бошлашдан олдин долзарб Алока хизматлари рўйхати, Тариф режалари, Алока хизматлари учун тарифлар (шу жумладан Роумингдан фойдаланганда кўлланиладиган Алока хизматлари тарифлари) ҳамда Оператор ва у тақдим этаётган алока хизматлари ҳақидаги бошка зарур маълумотлар билан танишиш.

5.2.2. Ўзбекистон Республикасида белгиланган стандартларга жавоб берадиган Абонент қурилмасидан уни ишлаб чиқарувчининг фойдаланиш бўйича йўрикномасига мувофиқ фойдаланиш. Бунда қуидагилар ҳисобга олиниши керак:

а) муайян ҳудудда (аэропорт, самолёт, антенна майдони, метрополитен ва ҳ.к.) амалда бўладиган алоҳида фармойишлар ва қоидалар;

б) ҳалал берувчи шовқин ёки ҳавфли вазият юзага келиши эҳтимоли бор ҳолатлардаги чекловлар: тиббиёт муассасалари, техник хизмат кўрсатиш станциялари, ёнилги сакланадиган ва ортиладиган ҳудудлар, портлаш ишлари олиб борилаётган жойлар ва ҳ.к.;

Оператор бу чекловлар ва талаблар тўғрисида Абонентни хабардор қилишга мажбур эмас.

5.2.3. Алока хизматлари ҳақини Шартнома шартларига биноан ҳисоб-китобларнинг амалдаги тартиби, танланган Тариф режаси, Алоҳида хизматлар тўпламлари ҳамда сотиб олинаётган Алока хизматлари рўйхатига мувофиқ ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб бориши.

5.2.4. Операторга ҳужжатлар билан тасдиқланган Абонент ҳақидаги маълумотларни, хат-хабарларни етказиш учун аник электрон ва/ёки поча манзилини, банк реквизитларини ҳамда Шартнома ижро этилиши учун керакли бошка маълумотларни Операторга у белгилаган ҳажмда тақдим этиши.

Ушбу бандда кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда шундай ўзгаришлар санасидан бошлаб 15 (үн беш) календарь кун мобайнида Операторга янги маълумотларни ёзма шаклда тақдим этиши.

Оператор тегишли хабарни олган санадан бошлаб, Алока хизматлари Абонентнинг поча манзили ҳақидаги янги маълумотлардан фойдаланган ҳолда кўрсатилади

5.2.5. Ҳуқукларни таъсис ҳужжатлари ёки конунда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома асосида иш олиб борувчи вакил орқали амалга ошириш.

5.2.6. SIM-карта/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профили йўқолгани тўғрисида Операторга Ахборот-маълумот маркази (Call-центр) орқали дарҳол хабар бериб кейинчалик Операторнинг оғисига ёзма ариза тақдим этиши.

Агар Абонент бу шартларга риоя этмаса, тики Оператор SIM-карта/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профили йўқолгани ва хизматлар кўрсатиш тўхтатилиши кераклиги тўғрисида Абонентнинг аризасини олгунига қадар йўқолган SIM-карта бўйича кўрсатилган Оператор хизматлари ҳақини тўлаш мажбурияти Абонент зиммасига тушади.

5.2.7. SIM-картада/eSIMда шифрланган ва Операторнинг тижорат сири хисобланувчи ахборотни учинчи шахслар ололмаслигини таъминлаш, SIM-картадаги/eSIMда шифрланган маълумотлар билан қуидаги хатти-ҳаракатларни амалга ошираслик ҳамда учинчи шахсларга ҳам бундай имкониятни бермаслик: ахборотни ўзгартириш, чиқариб олиш, нусха кўчириш, кўпайтириш, тарқатиш, бошка ахборот ташиш воситаларига ўтказиш, бошка ҳуқукка қарши хатти-ҳаракатлар.

5.2.8. SIM-картанинг/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профили дубликатларини тайёрламаслик, шунингдек учинчи шахслар томонидан шундай ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик. Абонент бу мажбуриятни

бажармаган тақдирда, унинг айби билан Оператор ва у билан боғлиқ шахслар кўрган заарларни Абонент тўлашга мажбур бўлади.

5.2.9. Абонент раками (SIM-карта/eSIM)дан фойдаланишда Келишувда тури кўрсатилмаган абонент курилмасини кўлламаслик.

## 6. Алоқа хизматларининг тарифлари ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

6.1. Тариф режаларининг шартлари, Алоҳида хизматлар тўпламларининг ва бошқа Алоқа хизматларининг тарифлари, жумладан Алоҳида тоифадаги абонент ракамини бериш, конструктор режимидаги маҳсус мослашувчан тарифларни тақдим этиш шартлари ва тартиби, шунингдек радиотелефон орқали уланиш давомийлиги, Алоқа хизматлари нархлари бирлиги ҳамда тўликсиз нархлаш бирлиги учун ҳақ тўлаш тартиби Оператор томонидан мустақил равишда белгиланади.

6.2. Тариф режалари (Тарифлар)нинг шартларига ўзгартишлар Оператор томонидан бир томонлама тартибда киритилади. Бу ҳақдаги тегишли маълумот Операторнинг веб-сайтида ёки оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилди ёхуд Оператор учун мақбул бўлган бошқа усулда Абонентларга етказилади.

Тариф режалари (Тарифлар)га киритилган ўзгартишлар тегишли ахборот Операторнинг веб-сайтида жойлаштирилганидан (эълон килинганидан) кейин 10 (үн) кун ўтгач кучга киради.

6.3. Алоқа хизматларининг тарифлари Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда белгиланади. Кўрсатилган Алоқа хизматлари учун барча тўловлар (дастлабки бўнак тўлови, бўнак тўловлари, мавжуд қарзни сўндириш учун тўловлар) Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади ва Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағида акс эттирилади.

Алоқа хизматлари учун тўланган пул маблағларини Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварағида акс эттириш ва уларни ҳисобдан чиқариш тартиби Оператор томонидан белгиланади.

6.4. Алоқа хизматлари қиймати қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига олади, лекин қонунчиликда бошқа ҳолат кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6.5. Абонент қуидаги тўловларни амалга оширади:

6.5.1. Абонент тўлови;

6.5.2. Оператор тармогида радиотелефон орқали чиқувчи уланишлар ва бошқа операторларнинг рақамларига радиотелефон орқали чиқувчи уланишлар;

6.5.3. маълумот узатиш тармоги бўйича уланишлар (кейинги ўринларда – алоқа сеанслари);

6.5.4. Роумингда радиотелефон орқали чиқувчи ва киравчи уланишлар;

6.5.5. чиқувчи СМСлар;

6.5.6. бошқа хизматлар, шу жумладан Контент-провайдерлар ва бошқа учинчи шахслар томонидан Оператор тармоги орқали тақдим этиладиган хизматлар.

6.6. Тўлов радиотелефон орқали уланишлар/алоқа сеансларининг давомийлигига ҳамда радиотелефон орқали уланиш/алоқа сеансининг тегишли турига қараб, Алоқа хизматларини кўрсатиш вақтида амалда бўлган Тариф бўйича амалга оширилади.

6.7. Ушбу Шартнома бўйича алоқа хизматларининг умумий қиймати 1470000 сўмни, ККС билан ( ) сўмни ташкил қиласди.

6.8. Абонент Алоқа хизматлари ҳакини Операторнинг банк ҳисобварағига нақдсиз шаклда қуидаги тартибда тўлайди:

а) ушбу Шартноманинг 6.7-бандида кўзда тутилган Алоқа хизматлари йиллик қийматининг 100% миқдоридаги дастлабки бўнак тўлови ушбу Шартнома унинг 9.8-бандида белгиланган тартибда рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 14 (үн тўрт) календарь кун мобайнида амалга оширилади.

Дастлабки бўнак тўлови киритилмаслиги Абонент ушбу Шартномани бажаришни рад этганлигини билдиради;

б) Алоқа хизматлари учун кейинги тўловлар Абонент томонидан ҳар ойда, Оператор тугаган ой учун тўловнома-фактура тақдим этган вақтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун ичига амалга оширилади.

6.9. Тўловнома-фактурада Алоқа хизматлари қиймати ва қўшилган қиймат солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда кўрсатилади.

Тўловнома-фактура электрон тўловнома-фактуралар ахборот тизимида электрон шаклда расмийлаштирилади.

Абонент электрон тўловнома-фактуралар ахборот тизимида Оператор томонидан расмийлаштирилган, жумладан тўлови Кафиллик шартномасига мувофиқ Кафил томонидан амалга ошириладиган хизматлар бўйича тўловнома-фактураларни ўз вактида тасдиқлаши шарт.

6.10. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагидан Операторнинг АҲҚТда ҳисобланадиган суммалар Оператор белгилаган тарифларга ва Абонент томонидан танланган тариф режаси шартларига мувофиқ автоматик тарзда ечиб олинади.

6.11. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагида салбий баланс юзага келганда Оператор Абонентга Алоқа хизматлари қўрсатилишини тўхтатиб туришга, жумладан давом этаётган сухбатни узиб қўйишга ҳакли.

6.12. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагидаги маблағларни у фойдаланаётган Алоқа хизматлари микдорида дарҳол ечиб олишнинг имкони бўлмайдиган ҳолларда фойдаланилган Алоқа хизматлари учун ҳисобланган тўловлар кечикирилган режимда тўпланади. Агар Абонент Шахсий (электрон) ҳисобварагининг баланси тўпланган суммалар қайта ҳисобланганидан кейин салбий қўрсаткичга эга бўлса, Тарафлар Абонентнинг Оператор олдидаги бундай қарзини баҳс-мунозарасиз қарздорлик деб белгилайдилар.

6.13. Ушбу Шартнома бекор килинган тақдирда, фойдаланилмаган ва Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагида турган сумма Таққослаш далолатномаси асосида уни ҳар икки Тараф имзолаган санадан бошлаб 15 (үн беш) календарь кун ичida Оператор томонидан Абонентнинг банкдаги ҳисобварагига нақдсиз шаклда қайтарилади.

Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагида колган (сарфланмаган) сумма Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда қайтарилади.

Ушбу Шартнома бекор килинадиган ҳолларда:

- а) Оператор тармоғига кириш имкони берилгани учун тўлов қайтарилемайди;
- б) ўтказилаётган акциялар доирасида Оператор томонидан тақлиф қилинган бонуслар пул эквивалентида тўланмайди;
- в) Абонентнинг мулки бўлган Абонент қурилмаси сотиб олинмайди;
- г) олинган Алоҳида тоифадаги абонент рақамини танлаш хизмати учун тўланган маблағ қайтарилемайди.

6.14. Абонент Операторга ёзма равишда мурожаат қилиб, фойдаланилган Алоқа хизматлари ҳамда Шахсий (электрон) ҳисобваракдан сарфланган маблағлар ҳакидаги батафсил маълумотларни Оператор белгилаган тарифлар бўйича олишга ҳакли.

6.15. Абонент ушбу Шартнома шартларига мувофиқ қўрсатилган, лекин ҳаки тўланмаган Алоқа хизматлари учун Оператор томонидан ҳисобланган барча суммаларни сўзсиз эътироф этади.

6.16. Абонентнинг Алоқа хизматлари ҳакини тўлаш борасидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида учинчи шахс (кафил) билан кафиллик шартномаси (Оператор тасдиқлаган намунавий шаклда) тузилиши мумкин. Бу Шартномага кўра, учинчи шахс (кафил) Алоқа хизматлари ҳакини тўлаш борасида Абонентнинг Оператор олдидаги мажбуриятлари бўйича жавоб бериш мажбуриятини олади. Оператор ва Абонентнинг кафил билан муносабатлари кафиллик шартномаси шартлари ҳамда кафиллик тўғрисида амалда бўлган қонун хужжатлари нормаларига мувофиқ тартибга солинади.

6.17. Абонент унинг бошқа барча Шахсий (электрон) ҳисобваракларидағи қарздорликни ёки аввалги Шартномалар бўйича мавжуд қарздорликни сўндириш учун Оператор Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагидаги мавжуд пул маблағларини чиқариб олишига ўз розилигини беради.

## 7. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Оператор ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим тарзда бажармаган тақдирда, Абонентнинг талабига кўра, Абонент талаб килган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай, камчиликларни бартараф этиши шарт. Бунда Оператор кўрилган зарар ўрнини копламайди ва бошқа бирон тўловни амалга оширмайди.

7.2. Оператор тақдим этган тўловнома-фактуралар бўйича алока хизматлари ҳакини тўлаш муддати кечиккан тақдирда Абонент Операторга кечиккан тўлов суммасининг 0,1% микдорида, лекин кечиккан тўлов суммасининг 50%дан ошмайдиган ҳажмда пеня тўлайди. Неустойкани ундириш Тарафларнинг ҳукуки, лекин ушбу Шартнома бўйича сўзсиз бажарилиши шарт бўлган мажбурият эмас.

7.3. Абонент SIM-картани/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профилини йўқотиб қўйган тақдирда (йўқотган, ўғирлатган ва бошқа ҳолларда) токи Оператор Абонентдан SIM-карта/ eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профилини йўқолгани тўғрисида ёзма ариза олгунига кадар, Алоқа хизматлари ҳакини тўлаш мажбурияти Абонент зиммасида бўлади.

7.4. Абонент телекоммуникация соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи талаблар ва нормалар, шу жумладан Операторнинг SIM-картаси/абонент қурилмасининг eSIM виртуал идентификатори GSM-шлюзларга ноконуний улангани учун жавобгар бўлади.

7.5. Тарафлар олинмай қолган фойда тарзида кўрилган заар қопланиши учун жавобгар бўлмайдилар.

7.6. Операторнинг SIM-картасидан GSM-шлюзлар ва бошқа рухсат этилмаган курилмаларда ноўрин фойдаланилиши, шунингдек электрон тўловнома-фактуралар ахборот тизимида Оператор расмийлаштирган тўловнома-фактуралар кечикиб тасдиклангани ёки тасдикланмагани натижасида Оператор кўрган заарни Абонент коплаши шарт.

7.7. Ушбу Шартномада кўзда тутилган тартибда тарқатилган тарифлар ўзгаргани тўғрисидаги ахборот Абонент томонидан олинмагани учун Оператор жавобгар бўлмайди.

7.8. eSIM фаоллаштирилганда ва ундан фойдаланилганда Оператор Абонент курилмаси учун жавобгар бўлмайди.

## 8. Эътиrozларни кўриб чиқиш ва низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Оператор ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим тарзда бажармаган ҳолларда Абонент Операторга эътиroz билдириши мумкин. Оператор эътиrozни у келиб тушган санадан бошлаб ўн беш кунда, материаллар кўшимча ўрганилиши керак бўлган ҳоллада эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқиши шарт.

8.2. Абонент Алоқа хизматларидағи камчиликлар билан боғлиқ ўз эътиrozларини 6 (олти) ойдан кечикмай тақдим этиши лозим.

8.3. Ушбу Шартноманинг ижроси билан боғлиқ барча низолар ва келишмовчиликларни Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига ҳамда ушбу Шартнома шартларига мувофиқ, келишув процедуралари йўли билан ҳал киладилар. Келишувга эришилмаган низолар Оператор жойлашган манзилдаги судларда кўриб чиқилади. Судга мурожаат килишдан олдин суддан олдинги эътиroz билдириш тартибига риоя этилиши шарт.

## 9. Бошқа шартлар

9.1. Тарафлар уларнинг ушбу Шартномани имзолаган вакиллари мазкур Шартномани тузиш ва ундан келиб чиқувчи, лозим тарзда расмийлаштирилган, тўлиқ кучга эга ва амалда бўлган барча мажбуриятларни бажариш учун ваколатга ҳамда барча зарур ижозатларга эгалигини тасдиклайдилар ва кафолатлайдилар.

9.2. Тарафларнинг хеч бири ушбу Шартнома бўйича ўз ҳукук ва мажбуриятларини иккинчи Тарафнинг ёзма розилигисиз учинчи тарафга беришга ҳакли эмас.

9.3. Тараф унинг манзили, шунингдек банк ва бошқа реквизитлари ўзгарган тақдирда шу ўзгариш вактидан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кун ичida бу ҳақда бошқа Тарафни хабардор килишга мажбур. Бу мажбурият бажарилмаган тақдирда аввалги реквизитлар бўйича ижро ушбу Шартнома доирасида мажбуриятлар лозим тарзда бажарилиши хисобланади.

9.4. Ушбу Шартномада кўзда тутилмаган барча холатларда Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига таянадилар.

9.5. Тарафлар ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ ёки ундан келиб чиқувчи барча хабарлар ва билдирувномаларни ўзбек тилида тузишлари ва бир-бирларига куйидаги тарзда юборишлари керак:

а) ушбу Шартнома тарафининг ваколатли ёки бошқа ҳар қандай ходимига шахсан топшириб, бу ҳақда тилхат олиш;

б) бундай имконият йўқ бўлса, топширилгани ҳақида хабар бериладиган буюртма хат билан жўнатиш;

в) электрон почта орқали юбориш.

9.6. Ушбу Шартнома Тарафларнинг хоҳиши-иродасига кўра бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ўзбек тилида тузилди.

9.7. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил “05” январ дан 2022 йил 31 декабргача.

9.8. Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига (газначилик бўлинмаларида) рўйхатга олинган вактдан бошлаб кучга киради.

## 10. Шартнома Тарафларининг реквизитлари

ОПЕРАТОР	АБОНЕНТ
ООО «UMS» 100000, Республика Узбекистан, г. Ташкент, проспект А. Темура, 24 Расчетный счет: (СУМ) 20214000300381984001 ОПЕРУ АК «ALOQABANK» МФО: 00401 ИНН: 303020732, ОКЭД: 52300	"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI" 100007, Uzbekistan, Toshkent shahar, BUYUK IPA YO'LI KO`CHASI, 243 Телефон раками: 998954799907 Х/р: 23402000300100001010 SH. TASHKENT, RKTS BOSH SHAHAR BOSHQARMASI MARKAZ BANKI МФО: 00014 СТИР: 201122808 X/C 10001086026277709840007001 M.Ü.



Юрист  
Х. Асроров

## Соглашение

К ДОГОВОРУ на оказание услуг мобильной связи № 170102915598 от 05.01.2022г.

г. Ташкент

6 января 2022 г.

Предоставленные абонентские номера: 998970013666 998970013883 998970016444 998970016888 998970018333 998971014884 998971471221

## Информация о юридическом лице

Наименование	"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI"		Код плательщика НДС	
Юр. адрес	100007, Uzbekistan, Toshkent shahar, BUYUK IPAQ YO'LI KO`CHASI, 243			
Адрес доставки	100007, Uzbekistan, Toshkent shahar, BUYUK IPAQ YO'LI KO`CHASI, 243			
Тип компании	<input checked="" type="checkbox"/> Резидент <input type="checkbox"/> Нерезидент		Контактный телефон	
Ф.И.О. руководителя			Ф.И.О контактного лица	
Название банка	Г.ТАШКЕНТ, РКЦ ГЛАВНОГО ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ	P/C	23402000300100001010	МФО 00014 ИНН 201122808

## Дополнительные услуги

Тарифицируемые услуги Установить услуги	Не тарифицируемые услуги	
	Услуги активируются автоматически при новом подключении. Абонент имеет право отказаться от получения этих услуг. <i>Установить услуги:</i>	
<input type="checkbox"/> Вам звонили / Я на связи	<input checked="" type="checkbox"/> Запрос баланса	
<input type="checkbox"/> Доставка счета курьером	<input checked="" type="checkbox"/> Интернет доступ без настроек	
<input type="checkbox"/> Запрет определения номера	<input type="checkbox"/> Конференц-связь	
<input type="checkbox"/> Международный роуминг	<input checked="" type="checkbox"/> Междугородний доступ	
	<input type="checkbox"/> Международный доступ	
	<input checked="" type="checkbox"/> Мобильный интернет	
	<input checked="" type="checkbox"/> Ожидание / Удержание вызова	
	<input checked="" type="checkbox"/> Определитель номера	
	<input checked="" type="checkbox"/> Переадресация	
	<input checked="" type="checkbox"/> Служба коротких сообщений (SMS)	

## Иные дополнительные услуги:

<input type="checkbox"/> «Выгодная сделка» (полгода)	<input type="checkbox"/> «Выгодная сделка» (год)

Установить тарифный план:

Структура тарифного плана	Стоимость без НДС (сум)	Стоимость с НДС (сум)
Xizmat 5	60869,56522	70000
Итоговая стоимость	60869,56522	70000
Итоговая стоимость по соглашению	426086,9565	490000

Стоимость исх. минуты разговора сверх установленного лимита	Стоимость SMS/MMS сверх установленного лимита
Абонентам всех мобильных операторов Узбекистана	105,26
Входящее SMS	0
На городские телефоны	105,26
Исходящие SMS абонентам всех мобильных операторов Узбекистана	84,21
Стоимость мобильного интернета сверх установленного лимита	
1 Mb интернет-трафика	210,5175
Исходящие международные SMS	631,5525

## Иные дополнительные условия:

Все звонки внутри корпоративной группы - 0 сум.

Информация по счетам и карточкам лицевого счета выдавать 4-7 числа каждого месяца.

Отправка по:  E-mail  Почта  Курьер  Не определён/на руки

## Тип абонентского устройства

- Тарифы на Услуги связи устанавливаются в национальной валюте Республики Узбекистан - сум
- Неиспользованные голосовой, SMS и интернет-пакеты аннулируются и на следующий период не переносятся
- Тарификация поминутная
- Продолжительность соединения округляется до полной единицы.
- При переходе с одного тарифного плана на любой другой тарифный план списанная абонентская плата не возвращается

АБОНЕНТ / \_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /

\_\_\_\_\_ /